

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРДАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИНИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўлқин Носирович ПАРДАЕВ

иктисод фанлари номзоди

доцент

Ўзбекистон Республикаси Давлат
божхона қўмитаси Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

pardayev.tulqin@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан қўшилган қиймат солифини ундиришнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, четдан олиб келинаётган товарлардан қўшилган қиймат солифини ундиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Қўшилган қиймат солифини қўллаш бўйича чет давлатларнинг илфор тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган товарлардан қўшилган қиймат солифини ундиришни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилди.

Таянч сўзлар: божхона тўловлари, ташқи савдо, қўшилган қиймат солифи ва акциз солифи, қўшилган қиймат солифи ставкаси, имтиёзлар, таъсир этувчи омиллар, товарлар, божхона чегараси.

ОСОБЕННОСТИ ВЗИМАНИЯ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ С ТОВАРОВ, ПЕРЕМЕЩАЕМЫХ ЧЕРЕЗ ТАМОЖЕННУЮ ГРАНИЦУ

Тулкин Носирович ПАРДАЕВ

кандидат экономических наук

доцент

Таможенный институт Государственного
таможенного комитета Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

pardayev.tulqin@mail.ru

Аннотация

В данной статье раскрывается сущность взимания налога на добавленную стоимость с товаров, перемещаемых через таможенную границу Республики Узбекистан. Также анализируется текущее состояние сбора налога на добавленную стоимость по импортируемым товарам. Изучен передовой опыт зарубежных стран по применению налога на добавленную стоимость, а также внесены научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию сбора налога на добавленную стоимость по товарам, ввозимым в Республику Узбекистан

Ключевые слова: Таможенные пошлины, внешняя торговля, налог на добавленную стоимость и акциз, ставка налога на добавленную стоимость, льготы, влияющие факторы, товары, таможенная граница.

Қўшилган қиймат солиғи давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Бу унинг бошқа соликларга қараганда бир қатор афзалликлари мавжудлиги билан изоҳланади, аввало қўшилган қиймат солиғи солиқ тушумларининг мунтазамлигини ва уларнинг инфляция шароитида автоматик равишда индексацияланишини таъминлайди.

Қўшилган қиймат солиғи – товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармонининг 7-банди: Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида: “2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкасини 15 фоизгача тушириш” [1] вазифаси қўйилди.

Хозирги кунда ташқи савдони тартибга солища божхона тўловларини, жумладан қўшилган қиймат солиғини қўллашни оптималлаштириш долзарб масалалардан биридир. Чунки, ташқи савдони тартибга солища қўшилган қиймат солиғини қўллаш орқали мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ташқи савдо айланмасини зарур даражада муқобиллаштириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажаради.

Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан қонун ҳужжатларига асосан, божхона божи, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва божхона йифимлари ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товарларни экспорт божхона тартиб-таомилида олиб чиқилаётганда қўшилган қиймат солиғи ундирилмайди.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга қўшилган қиймат солиғи 1998 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди. Импорт товарларидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи миқдори божхона органлари томонидан ундирилган божхона тўловлари таркибида сўнгги йилларда асосий салмоқни ташкил этмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи, унинг мазмун-моҳиятига ҳамда қўлланилишига дунё олимлари турлича тариф ва тушунчалар беришган, жумладан:

М.О.Клейменова фикрича, қўшилган қиймат солиғи – федерал билвосита солиқ, яъни, товарлар нархига қўшилган қўшимча тўлов бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ундирилади [3].

С.Г.Пепеляев ва Э.В.Кудряшоваларнинг таъкидлашича, қўшилган қиймат солиғи – бу бутун ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида ҳар бир товар айирбошлиш босқичида ундириладиган кўп босқичли истеъмол солиғидир [6].

А.А.Тедеев, қўшилган қиймат солигини товарлар, ишларни, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида олинадиган билвосита федерал солиқ сифатида тарифлайди [7].

Ю.А.Крохина, қўшилган қиймат солигини билвосита солиқ сифатида белгилайди, бу товарлар нархига қўшимчадир, деб кўрсатиб ўтади [4].

Қўшилган қиймат солиғи биринчи марта, 1958 йилда Францияда жорий этилган бўлиб, ҳозирги пайтда жаҳоннинг 140 дан ортиқ мамлакатларида

товарлардан қўшилган қиймат солиги ундирилади ва уларнинг ставкалари турличадир.

Дунёнинг АҚШ, Канада, Япония, Ливия, Ангола, Сурия, Яман, Оммон давлатларида ҚҚС қўлланилмайди. Унинг ўрнига, айрим етакчи давлатларда, хусусан АҚШ, Канада ва Японияда, унинг ўрнига товарларни сотишдан солик солиги ставкалари даражасига кўра, уларни уч гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга қўшилган қиймат солиги ставкаси 20 фоиз ва ундан юқори бўлган давлатлар киради. Булар, Бразилия (42%), Венгрия (27%), Дания, Швеция (25%), Финляндия (24%), Ирландия, Полша, Португалия (23%), Италия (22%), Испания (21%) давлатлариdir.

Иккинчи гурухга қўшилган қиймат солиги ставкалари ўртача, яъни 11 % дан 20 % гача бўлган давлатлар сифатида Эквадор, Қозогистон ва Қирғизистон, Филиппин (12%), Шри-Ланка, Туркманистон ва Ўзбекистон (15%), Тожикистон, Туркия, Перу (18%), Хитой (13%), (12%), Чили (19%), ЖАР (14%) киради.

Учинчи гурухга қўшилган қиймат солиги ставкалари паст, яъни 10 ва ундан кам фоизли давлатлар кириб, булар Малайзия, БАА, Сингапур (5%), Доминикан Республикаси (6%), Таиланд (7%), Швейцария (8%), Австралия, Ветнам, Камбоджа, Ливан, Парагвай, Ветнам (10%) [8].

Россия Федерациясида ҚҚС нинг 3 хил ставкаси бугунги кунда амалда:

- 0 % ли ставка мамлакатдан экспорт бўлаётган товарларга нисбатан қўлланилади;

- 10 % ли ставка алоҳида истеъмол товарлари, болалар ва тиббиёт учун мўлжалланган товарларга нисбатан қўлланилади;

- 20 % ли ставка қолган барча товарларга нисбатан қўлланилади.

Германиянида ҚҚС нинг 2 хил ставкаси бугунги кунда амалда:

1. Китоблар ва озиқ-овқат товарларига 7 % ли ставка қўлланилади.

2. 19 % ли ставка қолган барча товарларга нисбатан қўлланилади [5].

Шунингдек, Германия давлатида Европа Иттифоқига кирмаган давлатлардан келган фуқоролар томонидан товарларни сотиб олиб, мамлакатдан олиб чиқилаётганда товарлардан ундирилган қўшилган қиймат солиги қайтариб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5837-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юкини камайтириш, истеъмол бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солигининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди [2]. Натижада, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлар қисмида охирги йилларда қўшилган қиймат солигининг миқдори ва унда божхона органлари томонидан ундирилган қўшилган қиймат солиги салмоғи кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда давлат бюджетида ундирилган қўшилган қиймат солигининг миқдори 2,6 баробарга ошган, унда божхона органлари томонидан ундирилган қўшилган қиймат солиги салмоғи 37,27 фоизга ўсган.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлар қисмида 2017-2021 йилларда божхона органлари томонидан ундирилган қўшилган қиймат солиги салмоғини ўзгариши.

№	Йиллар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	Давлат бюджетида ҚҚС тушумлари, млрд.сўмда	14 685,80	27 876,50	33 809,80	31 177,40	38 439,00
2	Божхона органлари тomonидан ундирилган ҚҚС, млрд.сўмда	4 877,47	8 626,88	18 874,00	20 027,00	27 284,00
3	Божхона органлари тomonидан ундирилган ҚҚСнинг улуси, фоизда	33,21	30,95	55,82	64,24	70,98

Юқоридаги 1-жадвал муаллиф томонидан Давлат божхона қўмитаси ва <https://ochiqbudjet.uz/ru> маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлар қисмида 2017-2021 йилларда солик ва божхона органлари томонидан ундирилган қўшилган қиймат солиги салмоғини ўзгаришини таҳлил қиласиган бўлсак, 2017 йилда давлат бюджети даромадлар қисмидаги жами ундирилган қўшилган қиймат солиги таркибида солик органлари томонидан ундирилган қисми 66,79 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, аксинча божхона органлари томонидан ундирилган қисми 70,98 фоизни ташкил этган (Қаранг: 1-диаграмма).

Бунга, солик ставкаси ўзгариши, ташқи савдо айланмасида импорт товарларини ҳажмининг ошиши, қўшилган қиймат солигида берилаётган имтиёзларнинг камайиши, эркин алмаштириладиган валюта курси кўтарилиши, божхона тўловларини ундиришда ахборот технологияларидан кенг фойдаланилиши, қўшилган қиймат солигини йиғиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича меъёрий- ҳуқуқий базани такомиллашаётганлиги каби омиллар таъсир этган.

1-диаграмма.

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлар қисмида
2017-2021 йилларда солик ва божхона органлари томонидан ундирилган қўшилган
қиймат солиги салмоғини ўзгариши диаграммаси. (млрд.сўмда)**



Юқоридаги диаграмма муаллиф томонидан Давлат божхона қўмитаси ва <https://ochiqbudjet.uz/ru> маълумотлари асосида тайёрланган.

Импорт товарларидан ундириладиган ҚҚС суммаси божхона органлари томонидан ундирилган божхона тўловлари таркибида сўнгти йилларда 80-83 фоизни ташкил этмоқда.

Божхона органлари томонидан Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби 2017 йилда қўшилган қиймат солиги 60,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 83,6 фоиз бўлган, ёки бу йилларда бу кўрсаткич 23,2 фоизга ўсган. Шунингдек, жами божхона тўловларидан берилган имтиёзлар таркибида қўшилган қиймат солигининг улуши бу йилларда 20,1, фоизга камайган (2-жадвал)

Қўшилган қиймат солиги миқдорига таъсир этувчи омилларни иккига бўлиш мумкин, яъни бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларга. Бевосита, яъни тўғридан-тўғри таъсир этувчи омилларга товарларнинг божхона қиймати, тўланадиган акциз солиги ва импорт божхона божи суммаси, акциз солиги, импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солигидан бериладиган имтиёзлар ҳамда қўшилган қиймат солиги ставкаси киради.


2-жадвал

Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган ва имтиёз берилган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солигининг улушини ўзгариши, фоизда.

№	Божхона тўловлари турлари			2019	2020	2021
1	Жами ундирилган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солигининг улуши, фоизда		74,5	78,5	79,8	83,6
2	Жами божхона тўловларидан берилган имтиёзлар таркибида қўшилган қиймат солигининг улуши, фоизда		62,4	53,8	49,2	

Юқоридаги 2-жадвал музалиф томонидан Давлат божхона құмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Билвосита таъсир этувчи омилларга божхона божи ва акциз солиги ставкалари, товарларнинг келиб чиқиш сертификати, товарларни ТИФ ТН код рақамлари, товарларнинг миқдори, товарларни ишлаб чиқарған йили кабилар киради.



1-расм. ҚҚСнинг миқдорига бевосита таъсир этувчи омиллар.

Хулоса қилиб айтганда, қўшилган қиймат солиги божхона тўловларини асосий қисмини ташкил этади. Уни тўғри ҳисоблаш ва ундиришда, унга тасир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш давлат бюджети даромадлар қисми кўпайишига олиб келади.

Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан қўшилган қиймат солигини ундиришни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун куйидагилар таклиф этилади:

- Кўшилган қиймат солигидан имтиёз берилган товарлар ҳаракатини ва уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш мақсадида солик органларининг “Электрон счёт-фактура” дастурига божхона органларини интеграция қилиш тавсия этилади. Бу эса бевосита божхона аудити фаолиятини такомиллаштириб, қўшилган қиймат солигидан имтиёз берилган

товарларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш самарадорлигини янада оширади.

- Кўшилган қиймат солиғини 12 фоиз этиб белгилаш ва унинг ставкаларини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан зарур бўлган товарларга табақалаштириш таклиф этилади.

- Жами божхона тўловларидан берилган имтиёзлар таркибида қўшилган қиймат солигининг улуши юкорилигини ҳисобга олиб, товарлар эркин муомалага чиқарилгандан кейин, уларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиб, қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш механизмини жорий этиш тавсия этилади.

-Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 332-моддасига «Товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда солиқларни кечикириб-ёки бўлиб-бўлиб тўлашга имконият берилганда, имконият берилган солиқларни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳар бир календарь кун учун қайта молиялаш ставкасининг юз фоиз миқдорида, божхона божлари бўйича қайта молиялаш ставкасининг эллик фоиз миқдорида ҳисобланади» сўзларини киритиш таклиф этилади. Бунинг натижасида, қўшилган қиймат солиғини кечикириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашда фоизларни ҳисоблашда қонун ҳужжатлари бир хиллашади.

Хуроса қилиб айтганда, юқоридагиларни инобатга олиб, қўшилган қиймат солигини ундириш бўйича меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қўшилган қиймат солиғи йигилувчанлигини янада оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60 Фармони. WWW.Lex.uz

2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрь ПФ-5837-сон Фармони. WWW.Lex.uz

3.Клейменова М.О. Налоговое право: учебное пособие. – Москва: Московский финансово-промышленный университет "Синергия", 2013. – 215 с.

4. Крохина Ю.А. Налоговое право России: учебник для бакалавров. – Москва: Юрайт, 2013. – 395 с.

5. Пардаев Т.Н. Божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш – иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили. //Бозор, пул ва кредит, 2020. –№5. – Б. 54-61.

6.Пепеляев С.Г., Попов, П.А., Косов, А.А. и др. Налоговое право. Особенная часть: Учебник для вуза. – Москва: Просвещение, 2017. – 319 с.

7.Тедеев А.А. Налоговое право России: учебник для акад. бакалавриата. – Москва: Юрайт, 2018. – 265 с.

8. <https://visasam.ru/emigration/vybor/nds-v-mire.html>

9. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

10. <https://customs.uz/uz>

11. <https://ochiqbudget.uz/ru>